## Тадбиркорларнинг сиртқи мактаби

# ҲИСОБ-КИТОБ МАЖМУИ

Бозор иқтисодиёти бугунги кунга келиб кўпчилик ишбилармон тадбиркорлардан турли хилдаги банклар билан муомала қилишни, улар орқали улкан ишларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Лекин, ҳамма ҳам банкларнинг пайдо бўлиш тарихини, унинг вазифаларини, турларини билади, деб бўлмайди.

Банкларнинг тарихи жуда қадим замонларга — заргарлик дўконларига бориб тақалади. XV — XVI асрларда заргарлар савдогарлардан олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо буюмларни қабул қилиб олар, маълум муддат сақлагач, яна эгаларига қайтариб берар эди. Сақлаганлиги учун эса улар савдогарлардан ҳақ олар ва бу билан янги хизмат кўрсатиш соҳасига асос солишаётганликларини билишмас эди. Бу ўша вақтдаги энг кенг тарқалган ва биринчи банк операцияси эди. Кейинчалик ана шундай хизмат турига асосланган ва «Банк» деб аталадиган муассасалар пайдо бўла бошлади.

Банкларнинг ривожланиб, такомиллашиб бориши натижасида улар ўртасидаги хизмат кўрсатиш турлари ҳам кўпайиб борди. Лекин банкларнинг асосий вазифаси, вақтинча бўш турган пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит (қарз) бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, турли қимматбаҳо қоғозлар чиқаришдир. Хуллас, банк — пулларни жамғариш, ҳаракатлантириш ва тақсимлашни амалга оширадиган кредит-молия муассасасидир.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан юртимизда ҳам турли хилдаги банклар хизмат кўрсата бошлади. Умуман олганда уларнинг фаолият даражасига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: тижорат, инвестиция, ипотека, ташқи савдо, халқаро, ихтисослашган ва эмиссия банклари. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банк фаолияти айниқса кенг ривожланади. Тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кўпроқ ана шу банклар орқали турли тижорат операцияларини амалга оширишади.

Тижорат банклари мижозлардан пул маблағларини жалб қилиб ва тўпланган жамғармаларини ўз номидан бошқаларга қарз бериш, ҳар хил қимматли қоғозларни сотиб олиш каби молиявий хизматларни амалга оширади. Бу банклар бир неча ҳиссадорлар (акционер) ёки хусусий ягона шахсга тегишли бўлиши мумкин.

Инвестиция банклари эса тижорат банкларидан фарқли ўлароқ кўпроқ бутун-бутун тармоқларга узоқ муддатли кредитлар бериш ва пул билан таъминлаш йўналишига асослангандир. Улар кўпроқ қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, янги саноат корхоналари қуриш, қурилиш ташкилотлари олиб бораётган ишларни маблағ билан таъминлашади. Ипотека банклари эса асосан фермерлик ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси кўчмас мулкни — ер, иморатларни гаровга қўйганда ссуда беришдан иборат.

Ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси аввало унинг ташқи иқтисодий алоқаларида намоён бўлади. Ташқи савдо банки ана шу мақсадларга хизмат кўрсатувчи молия-кредит муассасаси сифатида фаолият кўрсатади. У фирма, корхона, давлатнинг чет мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини юритиш, хорижга товар чиқариш (экспорт) ва у ердан товар киритиш (импорт) жараёнида улар билан бўладиган ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади. Бундан ташқари улар бошқа мамлакатларга қарз бериш ва қарз олиш каби вазифани ҳам бажаради.

Ихтисослаштирилган банклар — бу банклар муайян тармоқларга ёки фаолият соҳаларига ихтисослашган бўлиб, уларга кредит бериш, аҳоли жамғармаларини сақлаш, маблағ билан таъминлаш каби молиявий операцияларни амалга оширишади. Масалан, Пахта банки, Ғалла банки, Алоқа банки, Саноат-қурилиш банки, Қишлоқ хўжалиги банки ва бошқалар. Уларнинг ҳаммаси асосан маълум бир тармоққа хизмат қилишга йўналтирилган. Юқорида зикр этилган барча банкларнинг ва давлатнинг кредит-пул сиёсатини тартибга солиб туриш мақсадида деярли барча давлатларда Марказий (ёки давлат) банк деб аталадиган банклар мавжуд. Масалан, АҚШда федерал резерв тизими, Швецияда Ринсбанк, Олмонияда Бундесбанк, Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлат банки ҳисобланади.

Марказий банк фақатгина мамлакат парламентига бўйсуниб, уларнинг функциялари ҳар бир мамлакат марказий банкиники каби: банкнота чиқариш, мамлакатнинг олтин валюта захираларини назорат қилиш ва давлат банки сифатида ҳаракат қилишдир. У бошқа банклар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради, шунингдек улар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил этади, валюта курсини белгилайди ва энг асосийси пул муомаласини тартибга солиб туради. Марказий банкнинг бошқа банклардан фарқи шундаки, у фойда олиш учун эмас, балки давлатнинг ягона кредит-пул сиёсатини амалга оширувчи ташкилот сифатида ҳаракат қилади.

Иқтисодиётнинг соғлом бўлиши пул муомаласининг тўғри ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Марказий банк накд пул ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш ва баҳолар даражасига мос келтиришдек жиддий муаммони ўз зиммасига олади. Улар бошқа банк муассасаларининг ортиқча пул резервларини сақлаш, банкларга кредит бериш ва солиқ орқали тушадиган пулларни бошқариб туради. Марказий банкнинг аҳамиятли томони шундан иборатки, у мамлакатда юз бераётган иқтисодий аҳволга қараб иш тутади ва давлатнинг хазиначиси ролини бажаради. Қолган банклар фаолияти ҳам бевосита шу банкка боғлиқ бўлиб, улар Марказий банк чиқарган қонун-қоидалар асосида иш юритишади, ҳисобот беришади ва ундан кредит олади. Шунинг учун ҳам марказий банк «Банкирлар банки» дейилади.

Ҳозирги кунда давлатлараро алоқаларнинг ривожланиб бориши билан халқаро ҳисоб-китоблар банки кенг миқёсда хизмат кўрсатмоқда. Улар турли давлатлар марказий банклари билан тижорат ишлари олиб бориб, ўзаро бир-бирларига кўмаклашиш, молиявий ҳисоб-китобларга қулай шарт-шароит яратиш каби вазифаларни бажаришмоқда.

Шундай қилиб иқтисодиётни банклар хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги замон банклари тобора қулай ҳисоб-китоб мажмуига айланиб бормоқда. Улар халқ хўжалигининг тараққиётида, аҳолига хизмат кўрсатишда, иқтисодиётнинг молия ресурсларини бошқаришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ражаб МУСУРМОНОВ,
*Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг аспиранти.*

## Мулкни — ҳақиқий эгасига

# ҲАРАКАТДА БАРАКАТ



***Мавжуд корхона, фабрика ва заводларни хусусийлаштириш борасида жойларда талайгина ишлар қилинмоқда. Шу туфайли ҳам хусусий фирма ва шахсий корхоналар ўз ихтиёри асосида иш юритиб иқтисодиётимиз ривожига муносиб улуш қўшаётир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил бошида чиқарган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони шу мақсадда иш юритаётганлар учун дастуриламал бўлмоқда. «Эркинлик» хусусий-тижорат ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари Эркин Зупаров билан қилган суҳбатимизда бунинг яна бир бор шоҳиди бўлдик.***

**— Эркин Собирович, Тошкент қопни қайта таъмирлаш фабрикаси хусусий фирма бўлиб иш юрита бошлагач қандай ўзгаришлар бўлди?**

— Энг аввало ҳозирги кунда фақат ишлай билиш керак. Айниқса ишлаб чиқаришда ҳаракат бўлмас экан, унда ривожланиш бўлмайди. Фабрикамиз бундан бир йил аввал хусусий фирма ҳуқуқини олди. Йил бошида чиққан Президентимиз Фармонидан кейин биз каби фирма ва кичик корхоналарга ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Бизнинг зиммамизга ун ва дон маҳсулотлари учун қопларни ямаб фойдаланишга ярайдиган қилиб бериш вазифаси топширилган. Мана шу йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.

Энди фирма бўлиб иш бошлаганлигимиз ҳақида гапирадиган бўлсам тан олиш керакки, ишчилар тушунчасида катта ўзгариш бўлди. Ишга бўлган масъулият, дастгоҳларга бўлган муносабат, ҳатто корхонамизга келадиган буюртмачиларнинг ҳам ташрифи мутлақо ижобий томонга ўзгарди. Бундан кейин ўз олдимизга шундай режа қўйдикки, ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли буюмлари яна сифатли ва бежирим бўлиши керак.

**— Айтингчи, сизлар ямаб фойдаланишга яроқли қилиб бераётган қопларга эҳтиёж каттами?**

— Бўлмасам-чи, шаҳримиздаги учта ун ишлаб чиқариш корхонаси ва «Ўздонмаҳсулоти» гуруч ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти учун мана шу маҳсулотлар жуда ҳам зарур. Уларни лён қоп билан таъминлаш асосий вазифамиздир. Лекин кейинги вақтда корхоналар хориждан келтирилган оқ қопларнинг 3—4 сўм арзонлигига қизиқиб, кўпроқ маҳсулотни ана шуларга қадоқлашмоқда. Оқ қопдаги маҳсулотни қабул қилиб олган савдо шохобчалари бундан азият чекишмоқда. Бўшаган оқ қопларни қаерга топширишни билмайдилар. Натижада бундан корхона ва савдо шохобчалари зарар кўришмоқда. Нега десангиз бундай оқ қоплардан фақат бир марта фойдаланиш мумкин. Биз ямаб тайёрлаб берадиган лён қопларни эса 5-6 маротаба ишлатса бўлади.

**— Оқ қоплардан фойдаланмасликнинг иложи борми?**

— Иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. Чунки бунга аввало мутасадди раҳбарлар бош-қош бўлиши керак. Биз кичиккина бир фирмамиз, холос. Йирик жамоаларга оқ қопли нарсаларни олинг ёки олманг деб кўрсатма бера олмаймиз.

**— Эркин Собирович, агарда жамоангизга зудлик билан маълум микдорда лён қоплардан қайта ямаб тайёрлаб бериш юкланса, қилиб бера оласизми?**

— Албатта, асосий вазифамизнинг ўзи шундан иборатку. Ваҳоланки, айни вақтда 500 минг дона қайта таъмирланган, 500 минг дона Қирғизистон Республикасидан келтирилган янги қоплар тайёр турибди. Бу қоплар тўлиқ ишлатилгунча, биз яна бошқа буюртмаларни бажаришимиз мумкин.

**— Шунча микдордаги қоплар турган бўлса, унда ишчилар ишсиз бўлиб қолмаяптими?**

— Ўзимизни ўзимиз иш, маблағ ва хом ашё билан таъминлаш ҳуқуқига эга эканлигимизни қўлга киритиб олгач тадбиркорлик билан ишлашга киришдик. Аввалги йилларда жамғарилган қоғоздан пакетлар, ун ва гуручни қоплашга ярамаган йиртиқ қопларни чиқитга чиқармай ишчи қўлқоплари ҳамда хўжаликка ишлатиладиган халталар тикаяпмиз. Жамоамизни 82 нафар ишчи ташкил этса, шундан 16 нафари тикувчидир. Ишчиларнинг яхши ишлашлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар етарли. Улар ишбай асосида ишлашади. Ўтган ойда олган ўртача маошлари 1280 сўмни ташкил этди. Ҳозирги шароитда бу айрим оилалар учун кам маблағ эмас.

**— Фирма жамоасининг келгуси режалари қандай?**

— Очиғини айтадиган бўлсам, фирма ҳудудини кенгайтириш мақсадида бироз қурилиш ишларини бошлаш арафасидамиз. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни яна 2 та хилини жорий этишга ҳозирланиб қўйдик. Улар матога гул босиш ҳамда полиэтилен халтачаларни тайёрлашдан иборат. Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтмоқчиманки, қандай шароитда бўлмайлик асосий ишимиз лён қопларини ямаб ун ва дон маҳсулотлари учун тайёр қилиб беришдир. Чунки бизнинг фикримиз махсус дастгоҳлар билан таъминланган республикамиздаги ягона корхона ҳисобланади.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.





*СУРАТЛАРДА: фирманинг тикув цехида; ёш тикувчи Шоира Розиқованинг фирмада ишлаётганига эндигина саккиз ой бўлишига қарамай самарали меҳнати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда; фирмада тайёрланаётган халқ истеъмоли буюмларини раҳбар ўринбосари Нуритдин Муҳитдинов намойиш этмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

# ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРИ

## Ҳиссадорлик жамоаларида

# ҲАР БИР ХОДИМ МАСЪУЛ

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 1-ёғочни қайта ишлаш корхонаси қурилиш ташкилотлари ичида биринчилар қаторида мулкчилик шаклини ўзгартирганди. Ўзи жуда катта бўлмаган жамоа ҳиссадорлик жамиятига ўтгач нафақат корхонада мавжуд ишчи ва хизматчиларни иш билан таъминлади, балки уларнинг ойлик маоши ўз вақтида бериб турилди. Бундан ташқари корхона ўз иш фаолиятини кенгайтиришга ҳам улгурди.

Чиқарилган қимматли қоғозларнинг 29 фоизи ишчи ва хизматчиларга тарқатилганлиги айни муддао бўлди. Корхонада ишлаб кетган нафақахўрлар, уруш қатнашчилари ҳамда ногиронлари, меҳнат фахрийларига 300 та акция, бошқача қилиб айтганда ишлаб чиқарилган қимматли қоғозларнинг беш фоизини текин бериш ҳақидаги қарорни жамоа бир овоздан қабул қилди. 20 фоиз акция эса эркин савдога қўйилди. Бу эса ўз навбатида корхонага қўшимча маблағ олиб келди. Бу маблағни жамоа корхонани кенгайтириш, ижтимоий ҳимояни йўлга қўйиш ва бошқа заводда йиғилиб қолган муаммоларни ечишга сарфламоқда.

Ҳиссадорлик жамиятига ўтиш корхонада кўплаб ижобий томонларини кўрсатди. Масалан, жамоа ўз-ўзини бошқариш натижасида ёғочни қайта ишлаш ўтган йилга қараганда 10 фоиз ошди. Шу сабабли бугунги кунда корхона пойтахт қурилишларида ишлатиладиган ёғоч маҳсулотларини ишлаб чиқаришда энг фаол қатнашчилари қаторидан ўрин олди. Муҳими ишчилар қурилишларни дераза роми, эшик ва бошқа хом ашё маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаб келмоқда. Бу айниқса пойтахтнинг Эски шаҳар қисми учун қурилаётган уй-жой биноларида ўз аксини топмоқда. Чунки айни пайтда корхона, бу муҳим қурилишларга ўзининг 60 фоиз маҳсулотларини жўнатмоқда.

Хусусийлаштириш корхона фаолиятининг яна бир ўзига хос томонини ривожлантириш имконини берди. Яъни жамоа «Корхона — маҳалла» дастурини ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирокчиларнинг бирига айланди. Мисол учун корхона атрофидаги маҳаллалардан бири яқин-яқинларгача ўз гузарига эга эмас эди. Эндиликда эса улар учун корхона ҳудудида бир қаватли, ҳамма қулайликларга эга маҳалла маркази бунёд этилди. Ундан нарироқда эски чинор тагидаги янги чойхонада маҳалла аҳли кечқурун бир пиёла чой устида суҳбат қуришади.

Бундан ташқари корхона Яккасарой туманининг ўндан ортиқ маҳалласига 100 та стол, 200 та тахта ўриндиқ ишлаб берди.

Жамоа «Корхона — маҳалла» дастурини бундан кейин ҳам ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этишни ўзлари олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада ҳозирнинг ўзида амалий ишга ўтилган. Масалан, корхона маъмурияти ҳозирги кунда маҳалла фаоллари билан биргаликда ёшларни қандай қилиб фаол ишга жалб қилиш тўғрисида режалар тузмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳаллаларда иш билан бандлик муаммосини ечади.

Ғайрат ЮНУСОВ.

## Хусусийлаштириш — давр талаби

# ЯНГИЛИК ШАБАДАЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йилнинг 21 январидаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони республикамизда, хусусан, Тошкент шаҳрида тадбиркорликни ривожлантириш, бозор механизми самарали ишлаши учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш йўлида муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга кўра жуда кўплаб савдо нуқталари, умумий овқатланиш корхоналарига қарашли ошхоналар хусусийлаштирилди. Хўш, бу янгилик ошхоналарга нима берди? Улар таркибида қандай ўзгаришлар содир бўлди, хўрандаларга хизмат кўрсатиш маданияти қай даражада? Таомлар сифати ва нархида рақобат борми? Озодагарчилик, тартиб-интизом ҳозирги кун талабига жавоб бера оладими? Мана шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида шаҳримиздаги бир неча хусусий ошхоналарда бўлдик.***

Аввало шуни таъкидлаш керакки, ошхоналарда янгилик шабадалари шундоққина сезилиб турибди. Хизмат маданиятида ҳам, таомлар сифатида ҳам яхшилик томон бурилиш бор. Озодагарчиликка эътибор кучайган. Айниқса хусусий ошхоналарнинг бутунлай таъмирланганлиги уларга янги руҳ бағишлаб турибди. Ёнма-ён жойлашган ошхоналарда ўзига хос рақобат ҳам сезилади. Бунинг мисоли сифатида бир нечта таомхоналар фаолиятини қайд этиб ўтишимиз мумкин.

«Орзу» миллий таомлар ошхонаси биринчилар қаторида хусусийлашган емакхоналардан. «Баҳор» ресторанининг шундоққина рўпарасида жойлашган бу ошхонага ўз касбининг устаси бўлган кекса пазанда Акромхон Усмонов бошчилик қилади.

— Ҳар бир янгиликнинг ўзига хос қийинчиликлари бўлади, — дейди Акромхон ака. — Уларни чидам ва тоқат билан енга олган жамоагина мақсадга эриша олади. Янгиликни ўзида жорий қиламан деб, синиб қолган ошхоналар ҳам кўп бўлди. Бунинг асосий сабаби улар бу ишни осон фаҳмлаб, ҳеч қандай тайёргарликсиз янгиликка қўл урганларида бўлди.

Биз янгиликка киришмасдан олдин мутахассислардан маслаҳатлар олдик. Иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, хусусийлаштириш тизимини чуқур ўргандик. Мустақил ишлаш учун тўла шароит яратдик. 17 кишилик жамоамиз билан бақамти келишиб олганимиздан сўнг бу ишга киришдик. Дастлабки кунлар оғир кечди. Таъминотдан қийналдик. Секин-аста турли ташкилотлар билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар туздик. Шундай қилиб, ишимизда ижобий томон бурилиш ясадик.

Ҳозир «Орзу» чинакам орзу қилгудек ўз номига муносиб иш юритмоқда. У ҳамиша тоза ва озода. Буни хўрандалар ҳам эътироф этишди. Таомлар сифати ҳам яхши. Хизмат маданияти ҳам талабга жавоб беради. Бу ерда хўрандалар ўз-ўзларига хизмат кўрсатишади. Лозим бўлган тақдирда эса уларга махсус ходима ҳам хизмат кўрсатиши мумкин. Жамоанинг жон куйдириб меҳнат қилиши туфайли мижозлар сони кун сайин ортиб боряпти. Ҳаммаси бўлиб 40 ўринли ошхонада бир кунлик савдо 6-7 минг сўмни ташкил этмоқда.

«Қўйлиқота» ошхонаси «Қўйлиқ» деҳқон бозорининг ичига жойлашган. Биринчи навбатда бизни одамлар ҳамиша гавжум бўладиган ерда ўрнашган ушбу таомхонадаги саранжом-саришталик диққатимизни ўзига тортди.

— Хусусий бўлгандан кейин ҳар томонлама эътиборни кучайтиришга тўғри келаркан, — дейди бошлиқ Шуҳрат Исломов. — Рақобат фақатгина таомлар сифатидагина эмас, балки озодагарчилик ва тартиб-интизомда ҳам сезилиб туриши керак. Ана шундагина хўрандалар қадами узилмайди ошхонадан.

Таомлар нархи ҳам инсоф билан белгиланган. Бир коса ош — 11 сўм, кабоб — 3 сўм, лағмон — 11 сўм, чучвара — 9 сўм, куксу — 12 сўм. Бошқа ошхоналардаги нарх-наво билан солиштирганда бу анча арзон. Бунинг сабабини сўраганимизда Шуҳрат ака: «Хусусийман деб беш қўлни оғизга тиқиш ярамайди. Бу қош қўяман деб кўз чиқаришдек гап. Балки инсофу диёнат билан иш юритгандагина хўрандаларни кўпроқ ўзига жалб этиш мумкин. Фақат шу йўл билан яхши даромад олиш мумкин», деган сўзни айтди.

«Отчопар» бозори ҳар куни сотувчи-ю харидорлар билан гавжум. Шу боис бу ерда ҳар қадамда ошхона учрайди. Уларнинг ичида хусусийлашгани ҳам, шахсий таомхоналар ҳам кўп. Албатта шахсий пазандалар томонидан тайёрланган таомларнинг сифати ва таркибини текшириш тегишли ташкилот ва идора хизматчилари эътиборига ҳавола. Лекин биз бу ерда бир неча хусусий ошхоналар фаолияти билан қизиққанимизда улар орасида намуналиларини ҳам, талабга жавоб бера олмайдиганларини ҳам учратдик.

«Пойга» ресторанига қарашли «Чавандоз» таомхонасига кириб таомномани кўздан кечирдик. Рўйхатда кўрсатилган овқатларнинг арзонлиги бизни таажжубга солди. «Сифати ёмон бўлса керак» деган фикрда 18 сўм 30 тийинга иккита лағмон харид қилдик. Кўриниши ёмон эмас. Ҳар қалай иштаҳасизлик билан тановул қила бошладик. Лекин мазаси юқорида биз тилга олган ошхоналарникидан қолишмас эди. Биз билан ёнма-ён стулда ўтириб, ош, жаркоп тановул қилаётган хўрандалар ҳам таомлар сифатидан мамнун эканликларини айтишди.

Бош ошпаз Шарофиддин Норматов: «Эй акалар, шунақа қилиб рақобатни кучайтирмасак, хонаки ошпазлар бизни четга суриб қўйишади», деган мазмунда гап қилди. Шунинг учун кун бўйи ошхонада хўрандалар гавжум. 20 та ошпаз ишлайдиган бу таомхонада хизматчиларнинг ойлик маоши 1200 сўмни ташкил этмоқда. Мана буни ҳақиқий рақобат шарофати деса бўлади.

Аммо «Чавандоз» яқинида жойлашган «Тезкор» ва «Файз» фирмасига қарашли ошхоналар ҳақида бундай гапларни айтиб бўлмайди. Биринчидан, бу ердаги антисанитария ҳолати ҳар қандай кишини ранжитади. Иккинчидан, таомлар нархи қиммат. Устига-устак уларнинг сифати ҳам талабдагидек эмас. «Тезкор»да бир коса шўрванинг нархи 15 сўм турса, «Файз»да эса бир кишилик ош 18 сўм қилиб белгиланган. Ана энди ушбу нархларни «Чавандоз»ники билан таққослаб кўрсангиз нархлар ўртасидаги тенг баробар тафовут кўзга ташланади. Ахир шундай бўлгач бу ерга хўранда қандай кирсин. Ҳар иккала ошхонани умумий савдоси (700-800 сўм) «Чавандоз»никидан (8-9 минг сўм) ўн баравар кам.

«Олой» бозоридаги «Маъмур» миллий таомлар ошхонаси бир йилдан бери хусусий бўлиб иш юритяпти. 12 киши ишлайдиган, қолаверса, гавжум бозор марказида жойлашган ошхонада бир кунлик савдо бир ярим минг сўмни ташкил этяпти экан. Бу кўпми, камми? Бошқалар билан солиштирганда жуда кам. Нега шундай? Чунки таомлар сифати паст. Бунинг сабабини сўрасангиз ошпазлар: «Бизда таомлар нархи арзон, масаллиқни ҳам шунга яраша соламиз-да», дейишади. Наҳотки, шу вақтгача ошхона раҳбарлари хусусийлик баҳонани ёқтирмаслигини, у изчиллик ва изланувчанликни талаб қилишини тушуниб етишмаган бўлишса?

Юнусободдаги «Пазанда» хусусий ошхонасидаги бир ибратли тадбир бизни хурсанд қилди. Бу ерда таомларни буюртма билан шу яқин-атрофдаги хонадонларга етказиб бериш йўлга қўйилибди.

— Яқинда ҳузуримга бир нафақахўр келиб менга шундай илтимос қилиб қолди. «Уруш қатнашчисиман. Бир ўзим яшайман, бунинг устига ногиронман, зўр-базўр юраман. Уйда тушлик ва кечки таомларни тайёрлашга қийналаман. Агар мумкин бўлса хизмат ҳақини тўласам, уйимга ҳар куни бир кишилик таом етказиб бера олмайсизларми», деб қолди, — дейди ошхона мудири Йўлдош ака Ҳамрохўжаев. — Бу гап мени ўйлантириб қўйди. Ахир атрофимизда шунақа хизматга муҳтож қариялар камми? Савоб учун ҳам бу ишни қилмоқ керак-ку! Шу мақсадда ўша кундан бошлаб «Беминнат хизмат» деган дафтарчани очдик. Ҳозир рўйхатимизда ўндан ортиқ шунақа кишилар бор. Уларнинг хонадонларига ҳар куни хизматчиларимиз буюртма таомларни етказиб беришади.

Бундай ибратли тадбир бошқа ошхоналарда ҳам йўлга қўйилса яхши бўларди.

Тадбир давомида хусусийлик ошхоналарга чиндан ҳам янгилик олиб кирганини, уларда сифат ва рақобатда ижобий томон ўзгаришлар рўй берганини сезган бўлсакда, лекин баъзи таомхоналарда ҳали ҳам хусусийликнинг туб моҳиятига тушуниб етмай, фақат даромад орқасидан қуваман, деб аксинча хўрандаларни бездириб қўяётган «чала» ишбилармон ва тадбиркорлар ҳам борлигини ҳис этдик. Улар хўрандалар камлиги сабабини ўзларидан кўрмай, балки нарх-наво билан боғлашадиган бўлиб қолишди. Шундайларга ибрат тариқасида бир мисол келтирмоқчи эдик. Масалан, Анҳор бўйидаги «Пахтакор» ўйингоҳи яқинида «Ал-Азиз» ошхонаси жойлашган. Илгари мутлақо хўрандалар кирмай қўйган ошхона хусусийлашгандан кейин бу ерга келувчилар сони орта бошлади. Ошхона бир кунда ўртача 400-500 га яқин хўрандага хизмат кўрсатмоқда. Таомлар нархи бошқа жойларга нисбатан қиммат. Лекин сифати яхши. Бу ерга кирган хўрандалар ошпазлар хизматидан, уларнинг ширин муомаласидан миннатдор бўлиб чиқишади. Кўриниб турибдики, хизмат маданияти яхши йўлга қўйилган, таомлар сифатли бўлган жойда (гарчи уларнинг нархи баланд бўлса-да) хўрандалар кўпаявераркан. Буни хўрандалар камлигини нарх-наво билан боғловчи ошхона раҳбарлари унутмасликлари керак.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

